



КЎНГИЛГА  
ТАШРИФ

2  
саҳифада  
ўқинг



ҲОКИМ –  
ХИЗРМИ?

3  
саҳифада  
ўқинг



САНЪАТИМИЗ  
ЖАДИДИНИ  
УНУТМАЙМИЗ,  
УНУТОЛМАЙМИЗ...

4  
саҳифада  
ўқинг


2023-yil  
7-sentabr  
payshanba  
№ 111  
(4863)

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarilgan

Келгуси  
сонларда ўқинг...



Қасддан  
уюштирилаётган  
қоидабузарликлар

ёхуд йўл ҳаракати хавфсизлиги  
соҳасидаги «тадбиркор»лар фаолиятини  
ким назорат қилади?



## ТАКЛИФЛАР ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ИНОБАТГА ОЛИНАДИ

«Ishonch»га жавоб берадилар...

«Билим қарвони» нодавлат илмий муассасаси директори, сиёсатшунос Фарҳод Толиповнинг «Экологияга янги тизимли ёндашув зарур» сарлавхали мақоласи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақолада келтирилган таклифларни қўмита депутатлари қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил тадбирлари доғида инобатга олишни маълум қиламиз.

Бугунги глобал иқлим ўзгариши шароитида экологик муаммоларга бефарқ бўлмаганингиз, аҳоли ўртасида мазкур масалага дахлдорлик туйғусини шакллантиришда амалга ошираётган хайрли ишларингиз ва таклифларингиз учун газета таҳририятига ҳамда мақола муаллифига миннатдорлик билдирамиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг  
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза  
қилиш масалалари қўмитаси  
раиси ўринбосари

Т.Хўжазаров



«Ishonch» газетасининг 2023 йил 17 августдаги сонидида «Экологияга янги тизимли ёндашув зарур» сарлавхали мақола эълон қилинган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ушбу мақолага қўйидагича муносабат билдирди:

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида кунун тун фаолият кўрсатадиган

# 12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Бухоро вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Қашқадарё вилояти

## ИШ ХОДИМ ФОЙДАСИГА ҲАЛ БЎЛДИ

Фўқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри Миробод туманлараро судида Зулҳумор Убайдуллаеванинг «Асакабанк» АЖга нисбатан шахсий устамаларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўриб чиқилди.

Гап шундаки, ходим «Асакабанк» АЖ Бухоро филиалида 2004 йилдан буён касса хизмат кўрсатиш бўлими кассири лавозимида ишлаб келган. Аммо унга ҳар ой тўла-ниши керак бўлган 4 миллион 550 минг 592 сўмлик шахсий устама 2021 йилдан ҳеч қандай асосиз тўхатиб қўйилган.

З.Убайдуллаеванинг бу бўйича касаба уюшмасига йўллаган мурожаати кўриб чиқилиб, банкнинг вилоят филиалидан шахсий устама тўхатишига асос бўлувчи ҳужжатни тақдим этиш сўралди. Ўз навбатида, филиал ушбу масала юзасидан банкнинг бош офис комиссиясига мурожаат қилишни билдирди.

Таассуфки, «Асакабанк»нинг бош офисидан бу бўйича ҳеч қандай жавоб бўлмади. Шундан сўнг иш судга оширилди.

Ходим судга аини вақтда устама пуллари қисман тўланганини айтиб, иш берувчидан ўзига 44 миллион 530 минг 698 сўм миқдорида қолган устамани ҳамда 10 миллион сўм маънавий зарар ундириб беришни сўради.

Суд тарафлар келтирган ваз ва иш ҳужжатлари билан батафсил танишиб, З.Убайдуллаеванинг даъво аризасини қисман қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарди.

«Асакабанк» АЖ энди З.Убайдуллаевага 44 миллион 530 минг 698 сўм устама пулини тўлаб бериши керак.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»



2023 йилнинг 5 апрель санасида «Хунарманд» уюшмаси Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан 2013 йилдан буён «Хунарманд» уюшмасининг Чироқчи тумани бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Абдиҳақим Рўзимуродов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

## ХАТО ТУЗАТИЛДИ

Мазкур буйруқдан норози бўлган мутахассис Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгашига ариза билан мурожаат қилади.

Мурожаат ўрганилганда, айнан АРЎ-Рўзимуродов масаласи кўрилган касаба уюшма қўмитаси йиғилиши Меҳнат кодексининг 164-моддаси ҳамда Ўзбекистон касба уюшмаси Федерацияси раисининг «Касаба уюшмаси органларида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби»нинг II бўлими, 10 ва 11-бандларига зид равишда ўтказилгани маълум бўлди.

Шундан сўнг иш берувчи номига кўрсатма тақдим этилди ва Абдиҳақим Рўзимуродов ўз ишига тикланди.

Одилжон МАҲМУДОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси  
Қашқадарё вилояти кенгаши бош мутахассиси

## ҚАРЗЛАР УНДИРИЛДИ

ИНТЕРНЕТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-АВТОСАРОЙ ХОДИМИ НОМИДАН 8 ТА АВТОСАРОЙ ФИЛИАЛЛАРИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ИШЧИЛАРГА ИККИ ОЙДИРКИ ТЎЛАНМАГАН ИШ ҲАҚИ ҲАҚИДА ХАБАР ТАРҚАЛДИ. ТЕГИШЛИ МУТАСАДДИЛАР ҲАМДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН ҲОЛАТНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ЎРГАНИШ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРДИ.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Тошкентшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти вакиллари аралашуви билан ишчи-ходимларга июнь ва июль ойлари учун тўланмаган 31 131 886 579 сўмлик қарздорлик тўлаб берилди.

Нормурод ҲАСАНОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси  
Тошкент шаҳар кенгаши меҳнат техник инспектори

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



https://www.facebook.com/  
ishonch.gazetasi



https://t.me/ishonchguz





Тошкент шаҳри Тўхфа

Мустақилликнинг 32 йиллиги кенг тантана қилинаётган шукўҳли кунларда «Қуёв-механика заводи» ШК касабга уюшма қўмитаси яна бир хайрли ишга қўл уриб, 89 нафар ишчи-ҳодимнинг 1-синфга борган фарзандларига 17 турдаги мактаб ўқув-қуролларидан иборат жамланма совға қилди.

## Хайрли ишлар бардавом

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ишчи-ҳодимлар ва уларнинг фарзандлари қатнашди.

– Мана шундай эзгу ишлар таг замирида энг аввало, ишчи-ҳодимларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, қолаверса, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсади мужассам, – дейди «Қуёв-механика заводи» ШК касабга уюшма қўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоров. – Бу эсдалик совғалар болажонларга катта қувонч бағишлаш билан бир қаторда, Ватанга муҳаббат туйғуси билан вояга етишига хизмат қилади.

Тадбирда ота-оналар ҳам сўзга чиқиб, фарзандларининг камол топишида корхона раҳбарияти ва касабга уюшма қўмитаси кўрсатаётган ғамхўрликлар учун миннатдорлик изхор этди.

Ўз муҳбиримиз

Фарғона вилояти

Маданият, спорт ва туризм ҳодимлари касабга уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси узоқ йиллар тизимда меҳнат қилиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган, ҳозирда нафақада бўлган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, ғамхўрлик кўрсатди.

Дилдан кечган суҳбатда юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, тизимдаги янгилликлар, ёшларга яратилаётган шароитлар ҳақида сўз борди.

– Кексалар меҳнатини қадрлаш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш қўмита фаолиятида алоҳида ўрин тутади, – дейди Маданият, спорт ва туризм ҳодимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Манзураҳон Акрамова. – Байрам муносабати билан



Эъзо

## Кўнгилга ташриф

уларни қўллаб, озиқ-овқат маҳсуллари тақдим этдик.

– Касабга уюшмаларининг ўзига хос аънаналари бор – юртимизда нишонланадиган байрамларда, албатта, ҳолиминдан хабар олиб, бизни хурсанд қилиб кетишади. Бу гал ҳам хонадо-

нимизга ташриф буюриб, кўнгилимизни тоғдек кўтаришди. Бундай эътибордан мамнунмиз, – дейди ҳозирда кексалик гаштини сураётган Йигитали Саидов.

Жамшид ЭРГАШЕВ  
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти



Мулоқот



# Мурожаат тақдири мавҳум қолмасин

Мурожаатга бўлган ёндашувда туб бўрилиш ясалганига анча бўлди. Фуқароларимиз ўзлари дуч келаётган муаммоларни эмин-эркин баён этиш ҳуқуқидан фойдаланишмоқда. Ўтган ярим йилда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилоят кенгашида 188 та мурожаат қайд этилиб, ижобий ечим топгани бунга тасдиқлаб турибди.

Аммо вилоятнинг айрим ҳудудларидан келатган аризалар оқими юқориликча қолмоқда. Самарқанд шаҳри, Пастдарғом ва Тойлоқ туманларидан бўлаётган мурожаатлар

миқдори кўп. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев иштирокида уюштирилган мулоқотда бевосита мурожаатлар билан ишлаш аҳволи таҳлил этилди.

Инспекция мутахассислари томонидан мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиблари ва бошқа

бир қатор масалалар юзасидан муфассал тушунча берилди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Тадбиркорлик, бизнес ва ҳизмат кўрсатиш соҳалари ҳодимлари касабга уюшмалари вилоят кенгашларига мурожаатлар билан ишлашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Семинарда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси, сенатор Улуғбек Жалменов қатнашди.

Аллаяр РЕЙОВ,  
Таълим ва фан ҳодимлари касабга уюшмаси  
Тахтақўпир тумани кенгаши раиси

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Кўрик-танлов



Деҳқончилик илмини билганга у – казина. Ерга пешма-пеш экин экиб, мўл ҳосил олишни ҳамма ҳам эплэйвермайди. Гулчеҳра Қаршибоева турмуш ўртоғининг ёнида юравериб, салкам агроном бўлиб кетди. Улар биргаликда завқ билан ишлаб юришганди. Ногоҳ, 2017 йили Гулчеҳра умр йўлдошидан, етти фарзанднинг отасидан айрилиб қолди. Зарба оғир эди. Аммо аёл ўзини қўлга олди. Далага чиқди...

## Энг уддабуронлар – Ғолиб

Боёвот туманидаги «Болғали Қилич ака» фермер хўжалиғи ҳар йили соя, пахта, ғалладан мўл ҳосил олиб келади. Бўшаган ерларга мош, картошка, маккажўхори ва бошқа экинлар экиб, яна манфаатдор бўлади. Фермер Гулчеҳра Қаршибоева дала ишларини режали ташкил этган. 6 киши доимий иш билан банд. «Гулбоғ» маҳалласи аёлларидан 60 нафари мавсумий ишга жалб қилинган. «Аёллар дафтари»да турган ҳамқишлоқлари битта бригада ташкил қилиб, шу фермер хўжалиғида меҳнат қилишмоқда.

Гулчеҳра апрель ойида 5 гектар ерга соя эккан эди. Ҳосилни йиғиб, «Ховосдон» АЖга топшириб турган пайти Гулистонга, «Ишбилармон аёл – 2023» республика кўрик-танлови ҳудудий босқичига тақлиф қилишди.

Кўрик-танловда иштирок этган 367 нафар хотин-қиздан 10 нафари вилоят ҳудудий босқичига етиб келишди. Улар орасида эса биринчи ўринга Гулчеҳра Қаршибоева муносиб деб топилди.

Ишсиз аёлларни иш билан таъминлаб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган Сардоба туманидаги 5-сонли «Қалдирғоч»

мактабгача таълим ташкилоти мудираси Тажинор Эшмановага иккинчи ўрин берилди.

Танловда Сайхунбод туманидан иштирок этган гиламдўз Ҳабиба Қаршибоеванинг ишлари кўпчилиكنинг диққатини тортди. У гилам тўқийдиган бешта хитой дастгоҳини ўз ҳисобидан сотиб олиб, хонадонида тадбиркорликни йўлга қўйган. Гилам, пояндоз, жойнамос ва турли манзара, суратлар акс этган совғабоп гиламчаларни тўқиб, даромад ола бошлаган. Шу билан бирга, «Гулбулоқ» маҳалласидаги ишсиз аёллардан 15 нафарига бу хунарни ўргатиб, ишли қилган. Уддабурон, ишбилармон бу аёл танловда учинчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга ташкилотчилар, хусусан, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг дипломи, пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, танловнинг турли йўналишлари бўйича ғолиблар Хоразмга 3 кунлик саёҳатга йўл оладиган бўлишди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА  
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Фаолиятга назар

Бухоро тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасида 81 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар кунлик хавфсизлигига эътиборли бўлиш, меҳнат муҳофазасига доир билимларини ошириш, кундалик хавфсизлик кўригидан ўтказиш вазифалари бошланғич касабга уюшма қўмитаси раиси сифатида Хайрулло Файзиевнинг зиммасига юкланган.

## «Ҳамиша ҳақиқат тарафдориман»

Шу боис у иш кўни бошланиши билан лавозими тақозо этадиган зарур юмушларга киришаркан, йўл-йўлакай ҳодимлар аҳволи билан ҳам қизиқади.

– Бўлим мудирлари ўз қўл остидагиларининг ҳолатидан доимо хабардор, – дейди у. – Қайси ҳодим бемор ёки моддий жиҳатдан қийналган бўлса, имкон даражасида иш берувчи билан юзага келган муаммони ҳал қилишга ҳаракат қиламиз.

Умуман, ташкилотда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласи сира кечиктирилмайди. Масалан, жорий йилнинг шу кунига қадар 11 нафар кам таъминланган ишчига кўмаклашилди. Саломатлигида муаммо юзага келган икки нафар ҳодим санаторийга даволаниш мақсадида жўнатилди. Бир нафар эҳтиёжманд оиланинг хонадонига томига шифер қўллаб берилди. Тўй ёки таъзия маросимларида ҳам ёрдам пули ажратилади. Касал ҳодимлар тузалиб чиққунча ҳолидан хабар олиб турилади.

Ҳодимларни дам олдириш ҳам эътибордан четда эмас. Бу йил баҳор ва ёз мавсумида йўлсозларнинг Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё вилоятларига саёҳати уюштирилди. Албатта, бу ишларнинг бошида ташкилот раҳбарияти билан бир қаторда меҳнат-қўриқнинг ишончли ҳимоячиси касабга уюшмаси раисининг ҳам хизматлари бор.

Дарвоқе, иш берувчи ва ҳодим ўртасида низолар келиб чиққанда Хайрулло Файзиев аввало ҳолатни яхшилаб ўрганади. Айб аслида кимда?! Шу саволнинг жавобини топгач, масалага ҳуқуқий баҳо беради.

– Баъзи пайтлар маълум сабабларга кўра, маoshлар бироз кечикиб қолса, ҳодимларнинг эътирозига қараб иш тутамиз. Зеро, асосийси, адолат устуворлигини таъминлаш ва доимо ҳақиқат томонда туришдир.

Сабрина НУРИДДИНОВА,  
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳодимлари касабга уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

Қашқадарё вилояти

Намунали бошланғич ташкилотларда

## Ҳодимлар ҳимояси доимо эътиборда

Ободонлаштириш ишлари анча машаққатли. Қишин-ёзин атроф-муҳитни бирдек саранжом-саришта тутти, шаҳар-қишлоқлар ободонлигини таъминлаш замирида заҳматли меҳнатлар ётади. Шу боис мен эрта тонгда янги тушган келинчақ мисоли кўча супураётган озодлик посбонларини кўрганымда, уларнинг фидойилигига таҳсинлар ўқийман.

Фахриддин Эшназаров 8 йилдан буюн Қарши шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармасининг касабга уюшма қўмитаси раиси. Бу демок, минг нафарга яқин ҳодимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси айнан унга боғлиқ.

Бахтигул Толимованинг турмуш ўртоғи вафот этган. Ўзи мунтазам даволаниб юради. Бир нафар фарзанди бор. Касабга уюшма қўмитаси бу аёлнинг оилавий шароитини ҳисобга олиб, унга моддий жиҳатдан кўмаклашди.

Фавворалардан фойдаланиш участкаси етакчи мутахассиси Шоира Юсупова эса жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлди. Касабқўм раиси Фахриддин Эшназаров ҳодиманинг аҳволи ҳақида иш берувчини ха-



бардор қилди. Пировардида унинг даволаниши учун хўжалик ҳисобидан маблағ ажратилди. Ободонлаштириш иншоотларини сақлаш бўлими бошлиғи Нодир Эшонкулов ўғлини даволатишда ёрдам сўраганди. Унинг илтимоси ҳам қаноатлантирилди.

Ҳайдовчи Шомурод Жўраев, боғбонлар Зухридин Бўриев, Дилшод Қобиллов, Меҳринисо Неъматова, ташқи ёриш участкаси бригадири Рифат Шукуровга аризаларига кўра, санаторийга йўлланмалар берилди. Ёки айтилик, 31 нафар ҳодимнинг фарзандлари Яккабоғдаги «Саёҳатчи» болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқарган бўлса, Мустақилликнинг 32 йиллиги арафасида 65 нафар ҳодимнинг Самарқандга саёҳати уюштирилди. Узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, эндиликда кексалар сифига қўшилган Абдусалим Шовруқовга эса бепул санаторий йўлланмаси тақдим этилди.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам. Шунга мувофиқ,

Ақмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»



Долзарб мавзу

# ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚЛИЛИГИ

## ШУБҲА ОСТИДАГИ НОЗ-НЕЪМАТЛАР

**ҲАР БИРИМИЗ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖ УЧУН КЕРАКЛИ БЎЛАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САВДО ДЎКОНИДАН ЁХУД БОЗОРДАН ХАРИД ҚИЛАМИЗ. АНА ШУНДА БЕИХТИЁР СОТУВЧИДАН «СВЕЖИЙМИ?» ДЕБ СЎРАЙМИЗ. СОТУВЧИ ЭСА ҲЕЧ ҚАЧОН СОТАЁТГАН МАҲСУЛОТИНИ ЁМОН ДЕМАЙДИ.**



**Сўранг, жавоб берамиз**

### ИШ ҲАҚИ НАТУРА ШАКЛИДА ҚАМ ТЎЛАНДИМИ?

**САВОЛ:** Танишим ишлайдиган корхона қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Шу сабабли маошининг бир қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўланади. Бироқ айрим вақтларда бу маҳсулотларни олиш учун ҳосил йиғим-теримини қуттишга мажбур. Иш ҳақи қисман маҳсулотлар билан тўланиши қонунийми?

Танзила ЎРМОНОВА  
Тойлоқ тумани

**ЖАВОБ:** Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимга иш ҳақи миллий валютада (сўмда) тўланади. Иш ҳақини қарз мажбуриятлари, тилхатлар, купонлар тарзида тўлаш, шунингдек, меҳнатга натура шаклида ҳақ тўлаш тақиқланади.

Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 256-моддасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда меҳнатга натура шаклида ҳақ тўлашга ҳам йўл қўйилиши кўзда тутилган.

Шу асосда 2023 йил 13 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини натура шаклида тўлашни тартибга солиш тўғрисида»ги 286-сонли қарори қабул қилинган. Унга қўра, ходимнинг ёзма розилигига асосан қуйидаги ҳолларда меҳнатга натура шаклида ҳақ тўланади:

– ходим ёки унинг оиласи истеъмоли учун иш берувчи томонидан ишлаб чиқарилган ва етиштирилган озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш;

– ўзига хизмат кўрсатиши ва уй хўжалигини юртида кўмаклашиш мақсадида уй хизматчиларини ёллаган иш берувчилар томонидан уй хизматчиларига озиқ-овқат ва вақтинча яшаш учун уй-жой билан таъминлаш шаклида ҳисоб-китоб қилиш.

Иш ҳақини натура шаклида тўлаш шартли ходимнинг розилиги асосида у билан тўлайдиган меҳнат шартномасида кўрсатилмиши керак. Бунда иш ҳақининг натурал шаклидаги умумий суммаси 30 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи иш берувчилар томонидан тақдим этилаётган маҳсулотларнинг нархини уларнинг таннарихидан юқори белгилаш тақиқланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси миллий қўшиқчилик санъати-мизнинг атоқли намояндаси, устоз саръаткор, Ўзбекистон халқ санъати

**Шераля Жўраев** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

лими ходимлари бу ишни амалга ошира олади. Сотувчидан худуднинг «Ветеринария врачини танийсизми?» деб сўраганимизда «Абдураим деган йигит» деган жавобни олдик. Ветврач бир ҳафтада бир сотувчилардан «хабар» олиб турар экан.

– Полиз маҳсулотлари экилган майдонларда ҳам аҳвол шу, – дейди ветеринария-санитария экспертизаси лаборатория мудири Ғайбулла Тотлибоев. – Далаларда ҳам қовундаги нитрат миқдори меъёрдагидан 1-1,5 баробар кўп. Бунга сабаб шунки, деҳқонлар кимёвий ўғитлардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланишади.

**МАЪЛУМОТ УЧУН: нитрат миқдори қовун таркибиде 90, тарвузда эса 60 мг/кг бўлиши керак. Мутахассисларнинг фикрича, танада ортиқча тўпланган нитратлар ўткир захарланиш, тахикардия, ҳазм қилиш органлари саратони ва бошқа касалликларга сабабчи бўлиши мумкин экан.**

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қўра, зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали келиб чиқадиган хасталикларнинг сони 200 дан ошиқ. Биргина ич кетиш (диарея) касаллиги сабабли дунёда ҳар йили 1 миллион 800 минг киши вафот этаркан. Шундай экан, маҳсулотларни харид қилишда уларнинг сифати ва таркибини тасдиқловчи ҳужжатни сўрасак, талаб қилсак, фойдадан холи бўлмайди.**

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»



### «ҚАЕРГА ҚЎЙГАНИМИНИ БИЛМАЙМАН»

Аслида бозордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати юз фоиз кафолатланган бўлиши керак. Деҳқон бозорларида ташкил этилган ветеринария-санитария экспертиза (ВСЭ) лабораториялари орқали бозорда сотилаётган маҳсулотларнинг ветеринария-санитария қоидаларида белгиланган нормаларга мувофиқлиги текширилиши ва ижобий хулосага эга бўлган маҳсулотлар сотилиши лозим.

Бу борадаги ишларни ўрганиш мақсадида Дўстлик тумани марказида жойлашган деҳқон бозорида бўлдик. Тадбиркорлар маҳсулотни сотишга рухсат берувчи лаборатория хулосаларини тақдим эта олишди. Лаборатория хонаси ва иш жараёни билан танишдик. Мутахассис маҳсулотлар сифати ва таркибини аниқлаш учун текширувларни ўз вақтида ўтказишини маълум қилди.

Пахтакор туманидаги «ЕКО BOZOR»да юқорида ҳолатнинг аксини кўрдик. Биз сўхбатлашган айрим тадбиркорлар маҳсулоти ҳақидаги қурилиш текширув натижаларини кўрсата олишмади. Баъзи «уддабурон»лар эса санани ўзгартириб қўйишга ҳам улгуришибди.

– Бозорда кунига тирикчилик учун бир-икки яшиқ помидор сотаман, – деди ўзини Шаҳодат Холбоева дея таништирган сотувчи аёл. – Лабораториядан келади, «текширишга» деб бир-иккита помидор олади. Қўлимизга қоғозни бериб кетишади.

– Бугун маҳсулотингизнинг истеъмолга яроқлилиги тўғрисида хулоса беришдими?

– Берган эди, қаерга қўйганимни билмайман.

Опа лаборатория хулосасини топиб бера олмади. Хуллас, бугун бозор бўйлаб юрдик, аммо бирорта сотувчидан излаганимизни топа олмадик. Қойил...

### ИШЛАМАЙДИГАН УСКУНАЛАР КИМГА КЕРАК?

Шундан сўнг лабораторияга йўл олдик. У ердаги ҳолат, ветеринария-санитария экспертизадан ўтказиш дафтарларининг юртилиши билан танишдик. Бироқ дафтарда шу кунги бозорга киритилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайд этилмаган. Бирорта маҳсулотни текшириш учун ҳам намуна олинмаган. Уларнинг сифатини лаборатория ходимлари ўз кўзи билан кўриб чиққан эмиш...

– Бу ердаги ускуналаримиз деярли ишламайди, – дейди бозор ветеринария-санитария экспертизаси лаборанти Зиёда Тотлибоева. – Ҳатто реактивларни ишлатиш учун «пипетка» ҳам йўқ. Сут маҳсулотларининг таркибини ўлчайдиган «лактоген» аппарати керак.

Мутахассиснинг сўзларига қўра, сут ва сут маҳсулотлари махсус ускуна ва реактивлар билан эмас, кўз билан қараш ва таъмини татиб кўриш билан текширилар экан. Ваҳоланки, юқорида номлари айтилган маҳсулотлар тез бузилади. Текширув қониклари бўлмагандан сўнг маҳсулотнинг истеъмолга яроқлилиги ҳам шубҳа остида қолмоқда. Гап минглаб инсонларнинг саломатлиги ҳақида кетяпти, ахир.

– Лаборатория жиҳозлари бюджет маблағлари ҳисобидан олиб келинади, – дейди ветеринария-санитария экспертизаси лаборатория

мудири вазифасини бажарувчи Ғайбулла Тотлибоев. – Талабнома берганмиз, келиб қолиши керак.

ВСЭ лабораториялари фақатгина бозор ичида сотилаётган маҳсулотлар учун жавоб беради. Бозор дарвозасидан ташқарида сотилаётган мева-чева, сут-қатиқ каби маҳсулотларнинг сифатини текшириши керак бўлган масъул ташкилот эса ҳали йўқ. Бу вазифа бирон ташкилотга топширилгунча, инсонларнинг саломатлигига путур етмаса бўлгани. Кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконлари ёки кўчадаги «ёйма расталар»да сотилади. Ачинарлиси, истеъмоличиларнинг ўзлари ҳам харид қилаётган маҳсулоти сифати кафолатлангани билан кўпам қизиқишмайди.

**– ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ТЕКШИРГАННИМИЗДА ҚОВУНДАГИ НИТРАТ МИҚДОРИ 172 МГ/КГ. ЧИҚДИ. АСЛИДА ҚОВУНДАГИ БУ КЎРСАТКИЧ 90 МГ/КГ БЎЛИШИ КЕРАК. ДЕМАК, БУ МАҲСУЛОТ ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ, – ДЕДИ ВИЛОЯТ ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ МИКРОБИОЛОГИЯСИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ЛАБОРАТОРИЯСИ БЎЛИМ МУДИРИ АДҲАМ ҚУДРАТОВ.**

### ҚОВУН ЕМАНГ...

Пишиқчилик даврида дастурхондан узилмайдиган полиз маҳсулотларининг таркиби ва сифатини ўрганишга ҳаракат қилдик. Синов учун эса йўл ёқаларида сотилаётган қовун ва тарвузларни танладик.

– Полиз экинларини текширганимизда қовундаги нитрат миқдори 172 мг/кг. чиқди. Аслида қовундаги бу кўрсаткич 90 мг/кг бўлиши керак. Демак, бу маҳсулот истеъмолга яроқсиз, – деди вилоят ветеринария-санитария микробиологияси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги лабораторияси бўлим мудири Адҳам Қудратов.

– Энди бу маҳсулотни нима қиласизлар?

– Маҳсулот далолатнома тузилиб, йўқ қилиниши керак. Бироқ бу бизнинг ваколатимизга кирмайди. Туман ветеринария ва чорвачилик бў-



Мулоҳаза



# ҲОКИМ – ХИЗРМИ?

Сайёр қабул бўлиб ўтмоқда. Унда Тошкент вилояти ҳокими мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида аҳоли мурожаатларини тинглаяпти.

Ҳоким рўпарасида ўтирган, моддий томонлама қийналганидан ёзғираётган бир аёлдан сўради:

- Қанча пул берсам бўлади?
- 20 миллион...
- Йўқ, бунча пул беролмайман, 5 миллион сўм бераман.
- Ҳеч бўлмаса, 10 миллион сўм беринг.
- Қўйинг энди, савдолашмайлик, уят бўлади...

Навбатдаги аёл раҳбар рўпарасига ўтирди.

– Ширкатдан қарзим бор, бир мар- талик моддий ёрдам беринг...

– Икки миллион берсам, етадимми?

– Кўпроқ беринг, сизни кўрсам, Хизрни кўргандай бўламан. Пулингизнинг баракаси бор...

Қизик, ҳозир ҳокимлар ўтказаятган сайёр қабулларда қатнашсангиз, мана шунақанги «савдолашиш»лар кўпайиб кетганига гувоҳ бўлишингиз аниқ. Ва бу жуда галати.

Тўғри, фуқаро бирор нарсага мухтожми, моддий ёрдам сўрайди. Буни инкор этиб бўлмайди, албатта. Аммо улар орасида шу ишни кун кўриш воситасига айлантириб олганлари ҳам йўқ эмас, бундайлар худди расмададаги одам доимий иш жойига қатнайди- гандек, кунда-кунора ижро идоралари остонасидан қадамини узишмайди.

– Домий равишда моддий ёрдам сўрашни ўзига касб қилиб олган- лар ҳам бор, – дейди сайёр қабулларнинг бирида интервью берган Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев. – Биринчидан, фуқаронинг кўзларига диққат билан қарасангиз, ҳақиқатан ҳам мухтожми, йўқми дарров фаҳмлай- сиз. Иккинчидан, биз уларнинг озгига сиққанча сўраган пулни ҳеч қачон шундоқ бериб юбормаймиз. Ҳар бир қабулда ёнимда соҳалар масъулари

билан бирга маҳаллий кенгашлар депу- татлари ҳам ўтиради. Уларнинг асо- сий вазифаси – моддий ёрдам сўраган фуқаронинг яшаш шароитини, вазия- тини ҳолис ўрганиш ва бу бўйича яку- ний хулосани бизга тақдим этиш. Ўша хулосалар асосида фуқарога зарур бўл- ган пул маблағи берилади ёки бошқа ёрдамлар кўрсатиш чораси кўрилади...

Шу онда бир фуқаро билан ўрта- мизда бўлган сўхбат ёдимга тушди. Ўша пайтда бир идорада ишлардим. Биз – мутахассислар «Саховат ва кўмак» жамғармасидан моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг ҳуж- жатларини расмийлаштириб, маҳаллий кенгашлар депутатларининг ўрганиш далолатномаларини тўплардик, сўн- гра махсус доимий комиссияга тақдим этардик. Комиссия хулосаси асосида фуқароларга моддий ва бошқа ёрдам- лар ажратилиши қарор қилинганча, сес- сияда тасдиқланар эди.

Хуллас, ўша жамғармадан вилоят кенгашининг тегишли қарори асосида моддий ёрдам ажратилган бир аёл менга кўнгироқ қилди.

– Менга 5 миллион сўмгина пул чиқибди-а? Ахир 8 миллион сўраган- дим...

– Ижтимоий аҳволингиз ўрганил- ган, опа. Шундан сўнггина сизга мана

шу пул ажратилиши маъқул кўрилган, – дедим.

– Ие, бу қанақаси? – тутақиб, ово- зини баландлатди у. – Қўшимизга чиқ- ди-ку. У биздан яхшироқ яшайди. Мен эса эрим иккаламиз даволанишимиз учун сўраган эдим. Даволанишимизга 8 миллион сўм кетади. Қолган 3 миллион сўмни ким беради энди?!

Бундан астойдил жаҳлим чиқди. – Опа, сизга биров: «мана, шунчаки сенга ёрдам бўлсин. Қайтармайсан бунди» деб чўнтагингизга 5 миллион сўм солиб қўйса, жаҳлингиз чиқармиди? – дедим.

Аёл пинагини бузмади.

– Мен рад этаман бу пулни. Чунки етмайди. Қаерга ёзсам бўлади аризани?

– Сўраган вақтингизда кимнинг но- мига ёзган бўлсангиз, ўша манзилга ёзса, – дедим мен ҳам кесатиқ охан- гига.

Халиги аёл индамай гўшакни кўйиб қўйди.

Ўзини таништирганида исм-фами- лияси ёдимда қолган эди, кейинчалик ундан маблағни рад этиш бўйича ҳеч қандай мурожаат келиб тушмади. Ким билсин, балки гапларимдан сўнг ўйла- ниб, бу қароридан қайтгандир.

Бир сафар эса Чирчиқ шаҳридан бир аёл қабулхонага келиб, шовқин кўтара-

ётганини айтишди. Чиқдик. Унинг арз қилишича, уй-жойи йўқ, ўзи бир но- гирон аёл бўлиб, ҳозирда моддий ёр- дамга мухтож экан. Бунинг устига ноги- рон фарзанди ва унинг болалари ҳам бор эмш. Аёл бир гапни такрорларди: «Мени ҳоким билан учраштирашлар! У билан кўришмасдан кетмайман. Кўчада яшайманми ногирон болам билан?»...

Суриштирсак, бу аёл сайёр қабул- ларга энг серқатнов бўладиганлар си- расидан экан. Идораларга мана шун- дай қатнаб, шовқин қилишлари орқали шаҳар марказидаги бир хонали уй- ни тўлиқ таъмирлатиб олган экан. Энг ажабланирлиси, ўша уйни сотиб юбо- риб, ўрнига сал чеккароқ тумандан уч хонали уй олгани тўғрисида маълумот ҳам олдик. Уйини ижарага бериб, ўзи ҳам ижарага чиқиб олган, ногирон фарзандини рўқач қилиб, бу сафар бир уй ундириш экан истаги... Бу нимаси? Наҳот шу даражага бориб етса, инсон деганлари? Ўша опа ҳам ҳокимнинг навбатдаги қабулига, албатта, бори- шини айтиб, охири кетди.

Яна бир ҳолат. Бўка туманидан ўт- тиз ёшлардаги бир йигитдан мурожаат келиб тушди. «Мен ҳозир ишламайман. Аёлимнинг бир ўзи ишлайди. Тишимни даволатишим керак. Менга моддий ёрдам сифатида 23 миллион сўм бе-

Холида

ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»



